

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№44 (7021)
1999 йил 25 ноябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда


САЙЛОВ МАЪНАВИЯТ ВА ОШКОРАЛИК КЎЗГҮСИ

АКС-САДО



қандай ишларни
амалга оширадингиз?

Мен депутат бўлганимда ҳамма мактабларни бепул дарсликлар билан таъминлаб, ҳаммани маънавийатли бўлиши учун ҳаракат қилардим. Ҳунармандчиликдан турли тўғарақлар т а ш к и л қилардим, чунки ўқишга кира олмаган ёшлар бекор қолмасин.



Васила Юнусова
Риштон тумани 32-
умумтаълим
мактабининг 11-«Б»
синф ўқувчиси.

14-октябрда чиққан саволларга жавоблар.

1. Сайлов ҳақида қандай моддаларни биласиз?

Мен «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунни биламан. Қонун 21-модддан иборат. Унинг 21-моддасида шундай дейилади: «Куч миллатни алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларни сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловлар ташвиқотини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаш, референдум тўғрисидаги, Президент сайлови ҳақидаги, ҳокимиятнинг вакиллик

органларига сайлов тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузиш Ўзбекистон қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортишига сабаб бўлади.

2. Депутатларга қандай талаб қўйган бўлардингиз?

Депутат халқнинг муаммоларини кўра билиши ва еча олиши керак. Бунинг учун аввало депутат, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий, сиёсий жиҳатдан етук бўлиши шарт. Шундагина у халқнинг кўнглидагидек қилиб муаммоларни ечади. Муаммолар эса кўп. Масалан, бизнинг шароитни олайлик: дарсликлар етишмайди, баъзи мактаблар қишда исимайди, ишсизлар сонини йўқотиш ҳам энг асосий муаммолардан ҳисобланади. Депутат аввало жонқуяр бўлсин. Биз шундайларга овоз берамиз.

3. Сиз депутат бўлганингизда

МЕНИНГ ПОЧТАЧИ АМАКИМ

пайтларимни соғиниб кетдим. Дарсдан келиб, тушлик қилгач уй ишларига би-

роз қарашган бўлардим, кўзим йўлда, кўча эшик олдида уймаланиб, сув сепган бўлибми, супурибми, почтачи амакижон, сизнинг келишингизни кутардим. Сиз тўсатдан пайдо бўлгандек бир зумда келиб қолардингиз, отда... Қизил отингиз қадами каттаи ёки ўзи қанотлими, хаёлимга, хаёлотимга қанот бағишлаб, қўлимга тандирдан узилган иссиқ нондек насибам - газета ва журналларимни тутардингиз. «Албатта ўқигин, эртага келишимда қайтариб берасан», - деб қандай тез пайдо бўлсангиз, шундай кўз олдимдан зумда ғойиб бўлардингиз. Сизни ёзда ҳам, қишда ҳам, баҳору кузда ҳам кандасиз кутардим. Сиз ҳам тушдан кейин албатта келардингиз. «Туман газетасига сен ҳам мактабнинг ҳаётидан мақолалар ёзиб жўнат», дедингиз бир куни ва менга ўша вақтдаги «Истиқлол нури» («Ленинчи») газетасининг манзилини тушунтирдингиз. Айтганингизни қилдим. «Сўнги кўнғироқ», «Мактаб етакчиси» каби мақолаларим газетада чоп этилганда, энг аввало кутлаган ҳам ўзингиз! «Умиш, қизим - Ку-

муш қизим, фақат мақола эмас, энди шеър, ҳикоялар ҳам ёз», деган ҳам ўзингиз. Ҳаммасидан кўра, менга илк мартаба қалам ҳақи келтирган кунингиз кўз ўнгимда турибди. Тўрт сўм саксон тийин. Қайтишимда пойлаб тур, сенга қандай қилиб почтахонадан пулни олишни ўргатаман, дедингиз... Ўйлаб қарасам, мени матбуотга йўналтирган, кунлик воқеа ва ҳодисаларга синчков назар ташлашга ўргатган - ўзингиз экан. Ҳозир қаердасиз-а, почтачи амаки? Наҳотки, мустақил мамлакатимизнинг келажаги бўлмиш болажонлар ўз газета ва журналларини вақтида олишолмасе? Эҳтимол, олишар, аммо сиз каби бу газетада сенга тегишли сурат босилган экан. Сен «Гулхан» ёки «Гунча»ни ўқидингми, «Синфдош»даги мақолани кўрдингми, деб болаларни газетхонликка, журналхонликка ундайдиган амакижонлар, қаердасиз? Овоз беринг. Мен замондош ёзувчининг ҳам, шифокор сингилнинг ҳам куйинчаклик билан айтган гаплари ёлғон бўлишини жуда-жуда истайман. Яна қулогингизга айтадиган гапим бор; Эмишки, сизлар нафақачилар, почта орқали маош оладиганларнинг пулини жуда тез эгасига етказармишсизлар. Чунки улар бу хизматингиз учун сизларга

ОБУНА-2000

чойчақа беришармиш. Яна эмишки... Келинг, буёғини айтмай қўя қолай. Балки, мақоламни ўқиб, муштарийлар бу ҳақда ўз дил сўзларини баён қилишар? Сизлар эса барибир овоз беринг: биз бормиз, одамларга нур-зиё етказиб ҳормайтолмай юрибмиз, деб айтинг. Чунки вазифамиз - хат ташиш, газета-журнал тарқатиш. Уддалаймиз-да, вазифамизни, денг фахр билан. Мен ҳам ишонай...

КУМШ



УС ТО ЭИМГА

Ўзбекистон Қаҳрамони
Мавлуда ИСМАТОВАга

Менинг бола чоғимда
Қўлларимдан етаклаб,
Кўёшдек дил боғимда
Нурин тўкиб етаклаб,
Меҳрибон бўлгин деган,
Меҳрга тўлгин деган,
Менинг Мавлуда опам!
Сиз билан гўзал олам!

Ардоқла садоқатни,
Урган сабр-тоқатни,
Сақла Ватанни деган,
Бўлгин жон-тани деган-
Менинг Мавлуда опам!
Сиз билан ёруғ олам!

Юзга, мингга кирингиз,
Фурурланиб юрингиз,
Бизлар бўлиб хизматда,
Доим яшанг иззатда-
Менинг Мавлуда опам!
Сиз билан гўзал олам!

Феруза АБДУСАЛОМОВА
Юнусобод туманидаги 273-
мактаб ўқувчиси.

Бир болалар ёзувчиси газета-журналларга «Одамлар обуна бўлишадую, аммо улар обуначилар қўлига ўз вақтида етиб борар- микан», - деб қолди. Беихтиёр, шифокор сингилнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Адолат», «Тонг юлдузи» газеталари учун бултур обуна бўлдим. Лекин, уйимизга бутун йил бўлди уларнинг битта сони ҳам келмади. Йил бошида айрим жанжалкаш обуначилар қаторида мен ҳам газета-журнал тарқатиш шахобчасига қатнай-қатнай охири ҳаммасини «хайрия» қилиб юбордим, деб кулиб айтган гапи қулоғим остида жаранглагандай бўлди.

Ҳа, сингилм Юнусобод туманидаги 26-шаҳар поликлиникасида фаолият кўрсатади. Менинг каби унинг ҳам ҳар куни матбуот хабарларидан воқиф бўлгиси бор. Яхшиямки, ишхонасида обуна йўлга қўйилган. Ҳар ҳафтада йиғиб-йиғиб манзилига келтирилган газета-журналларни ўқиб хумордан чиқади. Рост айтаман, газетхонлик, журналхонликнинг хумори тугиб туради...

Эҳ, менинг почтачи амаким, ҳозир қаердасиз-а? Ўқувчилик

Ҳамза туманидаги 216- мактабда бўлиб ўтган навбатдаги йиғин ўзгачароқ тарзда ўтди.

Унда Йўлдош Охунбобоев номли маҳалла оқсоқоли Боқижон ака Тўлаганов, маҳалла фаоллари Саидрасул Ҳозиев, Зулфия опа Мусаковалар ҳам иштирок этишди.

Чорак тугаб, болалар таътилга чиққан кунларда «Висол» кўчасида яшайдиган 4-синф ўқувчиси Ёдгорбек Мусаковларнинг сивири йўқолибди.

- Азиз болажонларим, сизларнинг зийраклигингиз олдида менинг ўғирланган биргина сивирим ҳеч гап бўлмай қолди,- дедилар ҳаяжон билан шу маҳаллада кўп йиллар шифокорлик қилиб келаётган Зулфия опа.- Тўғри, олдинга бу ишдан қаттиқ безовталанган эдим. Бироқ сиз қора кўзларнинг ғайратингиз менга далда берди. Сизнинг орангиздаги айрим ўқувчилар ўша ўғрини топишда катталарга ёрдам беришди. Бугун мен сизларга, устозларингизга ва албатта ота-онангизга ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман.

ЗИЙРАК БОЛАЛАР

Мустақил юртимизда сизлардек-хушёр, ҳалол, ботир ва доно фарзандлар тарбияланаётган экан бизнинг кўнглимиз тўқ!...

-Маҳалланг-ўз уйинг, маҳалланг отанг, онанг, деган гапни кўп гапирамиз,- дедилар маҳалла оқсоқоли Боқижон ака.- Болалар маҳаллада изғиб юрган бегонага дарров эътибор беришибди. Ҳатто, бир ўқувчи: «Бу сивир Ёдгорбекларники-ку, сиз қаерга олиб кетаяпсиз?»,-дебди. Уларнинг бу хушёрликларидан жуда хурсанд бўлдим.

Зийракжонларни суҳбатга тортдим. Уларнинг энг каттаси 8-синф ўқувчиси Азизбек Усмонов бўлди.

- Ўзимизнинг молни сугориб келаётган эдим. Қарасам, катта бола нарироқда кўшнимизнинг сивирини тез-тез юриб етаклаб кетаяпти. Молни боғладим-у, тезда

бориб эгасига айтдим. Бу ҳақда адамга ҳам айтдим. Улар эса: «Велосипедингни олиб тезда қидиришиб юбор»,- дедилар. Биз ўша ўғрининг изига тушдик.

- Мен ҳам сивирни биров етаклаб кетаётганини кўрдим-у, акамнинг олдиларига югурдим,- деди болаларнинг энг кичиги 2-синф ўқувчиси Миршароф Мирсодиқов.- Акам- Миршоҳид 4-синфда ўқийдилар. Улар кўчамиздаги ариқдан балиқ тутаётган эдилар. Воқеани эшитдилару, анчагина тутган балиқлари ҳам жойида қолиб кетди.

Ўқувчиларнинг айтишлари бўйича, ўша куни Сирғали туманидаги 47-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Искандар Асқаров бувисиникига келган экан. Оёғи гипс бўлишига қарамасдан у ҳам ёрдамга шошилибди. Ундан

ташқари, 5-6-синф ўқувчилари ака-ука Раҳим ва Абдурахмон Қурбонов, 5-синф ўқувчиси Азимжон Мусаев каби болалар ҳам ўғрининг қочишига халақит қилишибди.

Шу мактаб директори Муқаддам опа Хасановани ҳам суҳбатимизга чорладик.

- Ҳар бир бола «Мен кимман, нима қилишим керак, нима қилаяпман?», деган саволларга ҳар дақиқада жавоб бериб туришлари лозим. Биз фарзандларимизга таълим-тарбия берар эканмиз, ҳамиша ҳалол, пок, бировнинг молига кўз олайтирмайдиган инсон бўлишларини таъкидлаймиз.

Илоҳим, болаларимиздаги зийраклик, ботирлик, эътиборлик уларни ҳеч қачон тарк этмасин.

Устоз сабоғи, устоз дуоли ижобат бўлсин. Биз ҳам шогирдлар ёғдирган раҳматдан ҳаяжонланиб турган устозларни кўриб, дилдан шодландик.

Феруза ОДИЛОВА.

«БИЗГА ДИЙДОР КЕРАК. ДУНЁ БЕРАЯМАС!»

Шоирнинг бу мисраси ҳали ҳам ўз қадрини йўқотмади. Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактаб ўқувчилари роса яйрашди. Болалар шоири, саксон ёшли бобомиз - Пўлат Мўмин мухлислари даврасига кириб келганларида уларнинг қувончлари чексиз эди. Мактаб директори Нуриниса Тожихонова ва Халқ таълими фидойиси, 1-тоифадаги ўқитувчи Гулчеҳра Насриддиноваларнинг саъй-ҳаракати билан ташкил этилган бу учрашувда ўқувчилар шоир шеърларидан ўқидилар, «Конфетвой ва Суқатой» сахна асарини намойиш қилдилар.

Жамолиддин Зиёвиддинов ижро этган «Довюралар», «Гуллар - менинг кулганим» кўшиқлари шоир шеърларининг нақадар оммалашиб кўшиққа айланиб кетганининг исботи бўлди. Шаҳноза Орипова, Равшан Ҳайдаров, Ирода Парпиева, Айнура Елалова, Қаҳрамон Дўсмонов, Шухрат Бекмуродлар шоирнинг ҳақиқий мухлислари эканлар.

Шеърни шоир ўқисин-да, китобдан шеърни ўқиш бошқаю шоирдан эшитиш бошқа.

Азиз болажонлар! Сизларнинг мактабларингизда ҳам шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар уюштирилаяптими? Шоир дастхати битилган китоблар шахсий кутубхонангизда борми?

Ўйлаймизки, «ҳа» деб жавоб берасиз.

Зеро, дийдорлашув китобга, шоирга меҳрни оширади, сўз сеҳрини англантишга хизмат қилади.

ГУЛЮЗ.

Миртемир деганда кўзим ўнгида маданиятли, олийжаноб бир шахс гавдаланади. Шоирнинг ёзган асарлари Ватанга, дўстликка, қардошликка бўлган садоқатдан унган дурдоналардир.
Сулаймон Рустам.

СОКИН БИР ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИБ ЎТДИНГИЗ...

Мирзо Улуғбек тумани 248- мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Муҳаррам опа Мирбобоеванинг ҳаракати билан мактабда тез-тез адабий кечалар ўтказилади. Бу эса ўқувчиларни миллий адабиётимиз намоёндалари билан фахрланиш туйғусини оширади. Миллатни миллат қиладиган маориф экан, келажак авлодга сабоқ бериб, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, аждодларга ҳурмат тарбияси борасида аввало тарбиячининг маҳорати, билими ва истеъдоди керак.

6-«А» синф ўқувчилари шоир Миртемирнинг ижоди билан яқиндан танишиб, унинг ҳақидаги хотиралардан маънан бойидилар. Кечада Миртемирнинг шеърлари жаранглади, ҳаёти ва фаолияти ибратомуз эканлиги таъкидланди.

Сизга ташланмади оҳ не-не зотлар,
Улар ҳар мўминга ташланар эди.
Ташланмаса дили ғашланар эди,
Улар пучак жонлар аҳли бедодлар.
Жиндеккина нозик феълингиз билан,
Сокин бир қўнғироқ чалиб ўтдингиз.
Ёруғлик кунларни бедор кутдингиз,
Дардлашдингиз фақат элингиз билан...

Келажакка ёруғ умидлар, ойдин тилаклар билан боқаётган болажонлар қалби қувончдан маст эди. Шу куни мактаб бағри йиғилган меҳмону устоз ва шогирдлар сабаб, файз-зиёд бўлди. Бу файз эса шоир руҳига, унинг ёрқин сиймосидан эди.

ГУЛЛАР БАЙРАМИ

Лудди шу олган шеърларини айтдилар. Гуллар мактабнинг 3-«Б» синфида «Гуллар байрами» ўтказилди. Бу байрамни ўтказишдан мақсад ўқувчи ёшларни гулларга, гўзалликка, покликка ҳамроҳ қилиш эди.

«Биз бу гулдастамизни гуллаётган Ўзбекистон деб номладик. Мустақиллик туйғули Ўзбекистонимиз турфа атиргулдек яшнаб турибди. Ҳеч бир гулнинг ҳусни атиргул билан тенглаша олмас» - деб шу синф аълочиси Моҳира кўлидаги гулдастани синф раҳбарига тақдим этди. Ўқувчилар гуллар ҳақида ёд

билан тураверсин. Болажонлар кўргани шодлигу-қувонч бўлсин.
Маъмура МАДРА ҲИМОВА.

Qadim Boysun tomonda,
Elu-yurtlar omonda.
Bor ekan bitta polvon,
Dovrug`i yurtga doston.
Ismi ekan Alpomish,
Izlagani ezgu ish.
Behad ekan sururi,
Tog`day ekan g`ururi.
Ko`ngil qo`yib Barchinga,
Taqlid etib lochinga,
Qilarkan baland parvoz,
Parvozlari ekan soz.
U kurashga kirganda,
Savlat to`kib turganda.
Polvonman deb yurganlar,
Elda davron surganlar.
Kira olmay maydonga,
Qochar ekan har yonga.
Polvonning uchqur oti,
Ekan po`lat qanoti.
Tog`dan oshib o`tkarkan,
Bir kun Boysun diyorin,
Bog`lari-yu gulzorin,
Dushman bosib olibdi.
El qurshovda qolibdi.
Tutqun Barchinga shu on,
Dunyo bo`libdi zindon.
Shunda Alpomish polvon,
Ko`ksini aylabdi qalqon.
Olib o`tkir yarog`in,
O`pib Vatan tuprog`in,
Yig`ib alp o`g`lonlarni,
Fidokor polvonlarni,
Yovga qarshi otlandi,
Qush kabi qanotlandi.
Dadil chiqib maydonga,
Larza soldi har yonga.
Bunda qattiq jang bo`ldi.
Dushman holi tang bo`ldi.
Lekin dushman podshohi,

Ko`kka chirmashib ohi,
Bu g`alaba ketmaydi,
Bu hisobga o`tmaydi.
Deb qattiq turib oldi,
Qichqirib g`ovg`a soldi.

Shu bilan bitsa urush,
Kurash tushganim bo`lsin,
Botir maydonda o`lsin.
Maqsadim yurtni saqlash,
Elning ishonchin oqlash.
Qani keling, yoronlar,

Alpomish na`ra tortdi,
Ko`kanni ko`kka otdi.
Ko`kan ko`rinmay ketdi,
Balki bulutga yetdi.
Yerga tushdi chilparchin,
Ko`ring Alpomish kuchin.

Shohdan qolmadi asar,
Alpomish quchdi zafar.
So`ngra Alpomish polvon,
Zindonga chopdi chaqqon.
Asirlar bo`ldi ozod,
Xaloyiq hurraram va shod.
Go`zal Barchin shod edi.
Xumor ko`zi yosh quydi,
Yor ko`ksiga bosh qo`ydi.
Shu yurtning dono choli,
Elatning oqsoqoli,
Turib nutq so`zladi,
Quvonchidan bo`zladi.
Alpomish el g`ururi,
Mening ko`zimning nuri.
O`g`lonlarga bosh bo`lib,
Rahnamo yoldosh bo`lib,
Yurtdan yovlarni quvdi,
Qonni qon bilan yuvdi.
Men endi qarib qoldim,
Ko`p yil mehnat-la toldim,
O`rnimni Alpomishga,
Botir o`g`lon, donishga.
Ikki qo`llab beraman,
Eldan savol so`raman.
Sizda bormi e`tiroz?
Barcha dedi juda soz.
Hamma shod edi, hurraram,
Yurtda boshlandi bayram.
Chalindi katta karnay,
Ud, nog`ora va surnay.
Alpomishni olqishlab,
Poyiga gilam tashlab.
Dildan g`amni ketkazib,
Oq namatga o`tkazib.
Sayladilar etib xon,
Xaloyiq kuldi shodon.

ALPOMISH YOVNI QUVDI



Bordir to`qson polvonim,
Alplarim tanu-jonim,
Ular-la kurashib ko`r.
O`shalardan chiqsang zo`r,
Senga tan beray o`g`lon,
Yo`qsa g`alabang yolg`on.
Deya qattiq baqirdi.
Zo`r kurashga chaqirdi.
Mayli, dedi Alpomish,

Tushaylik yakka kurash,
Bu maydonda kuch sinash.
Ko`kan chiqdi bel bog`lab,
O`zin kurashga chog`lab...
Qirq gaz edi belbog`i,
Filday edi oyog`i.
Devday edi savlati.
Tog`day edi kelbati.

Belbog` bog`lab Saridov,
Yuragi bermayin dov,
Nazar tashlab har yonga.
Asta chiqdi maydonga,
Bo`yi laylakday daroz,
Lapanglaydi go`yo g`oz.
Alpomish na`ra tortdi,
Ko`tarib ko`kka otdi.
Polvon havoga uchdi,
Go`yo ko`kni quchdi.
Chiqaverdi polvonlar,
Dovlar, bo`yni yo`g`onlar.
Alpomish jo`shib ketdi,
Barin ko`tarib otdi,
O`zi ham terga botdi.
G`azab ichra zolim shoh,
Ko`p ayladi ohu-voh.
Suyangan tog`i ketdi,
Lashkaridan ayrildi,
Qanotlari qayrildi.
Davlati topdi zavol,
O`zi parishonhol,
Bo`lib qoldi shu onda,
Telbalik bordir qonda.
Qilichini sug`urdi,
El tomonga yugurdi.
Alpomish to`sib yo`lin,
Qayirdi shohning yo`lin,
Kuchini to`plab bilakka,
Shohni otdi falakka.

Turob AKBARX`OJAYEV.

ФАН ОЙЛИГИ

Собир Раҳимов туманидаги 22- мактабда турли тадбирлар билан биргаликда фан ойлиги ҳам ўтказилиб турилади. Бу эса ўқувчиларни шу фанга қизиқишларини ортттиради. Билимини мустаҳкамлайди.

Ноябрь ойи меҳнат фани ойлиги. Ўқувчилар бу фанга катта қизиқиш билан қарамокдалар. Чунки бу фан болаларни ҳаётга тайёрлайди. Қизлар тикувчилик, пазандалик сирларини айна шу фан орқали ўрганиб борадилар. Ўғил болалар эса касб-хунар ўрганайдилар. Уй-рўзгорда ҳам ўзлари устачилик қила оладиган бўладилар.

Фан ойлигида 7-«Е» ҳамда 8-«Б» синфлари фаол иштирок этдилар. Уларни янада руҳлантириб турган устозлардан Дилдора Дониева, Василя Фафурова, Хикмат Обидов, Ойбек Тошхоновларнинг хизматлари каттадир.

Барно АБДУРАҲМОНОВА,
ёш муҳбир.

ХАТЛАР

МАҚОЛ

Ишламоқлик роҳат
Ишққмаслик кулфат.

Қилсанг ота-онангга меҳру
оқибат,
Қайтар дунё шафқат кўрарсан
бир вақт.

ТОҒИШМОҚ

Ўзи қизил, юмалоқ,
Барглари-чи шапалоқ.

o'rnidux

Шохруҳбек ВАҲОБОВ,
Фарғона вилояти, Фарғона
туманидаги 4-мактабнинг
5-«А» синф ўқувчиси.


УСТОЗ ЯСАБ БЕРГАН КИРСИ

Кўчарсой маҳалласи, 2- бўлим марказидаги Ҳамид Олимжон номли 21- мактабда меҳрибон, жонкуяр устозлар жуда кўп. Улардан бошланғич синф ўқитувчиси, ҳозирда нафақалик гаштини сураётган Рўзибой домла Маммадиевдир.

Азиз устоз! Мана сизнинг кўлингизда сабоқ олганимизга ҳам ўн бир йил бўлибди. Лекин ҳали- ҳануз биринчи синфга қадам қўйган кунимизда сизнинг меҳр билан айтган сўзларингиз қулоғимиз остида жаранглайди. Айниқса, «Алифбе» байрамида «Ҳарфлар тилга кирганда» қанчалар суюнгангиз кўз олдимизда. Биз учун мактаб ҳовлисига курсилар ясаб берганингиз ҳам ёдимизда. Бу курсилар доимо сизни эслатиб туради.

Бугун сизга фарзандларингиз, сиздан сабоқ олган фарзандлар ҳеч қачон юзингизни ерга қаратмайдилар.

Мунаввар АМИРҚУЛОВА,
Сурхондарё вилояти, Ҳамид
Олимжон номли 21-мактабнинг 11-
синф ўқувчиси.



8 ДЕКАБРЬ - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

(Ўзбекистон қомусномаси қабул қилинган кунининг 7 йиллигига аталган тадбир сценарийси)

(Ўрта мактабларда ўтказиладиган бу тадбирга меҳнат фахрийлари, ҳуқуқшунос олимлар, ота-оналар ва устозлар тақлиф этилади. Махсус деворий газеталар тайёрланиб, илиб қўйилади. Синф тахтасига Абдулла Ориповнинг «Адолат офтоби» шеърдан қуйидаги сатрлар ёзиб қўйилади:

*Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,
Ўзбекининг ўз уруғин экканлиги рост бўлсин.)*

Тадбир Давлат мадҳиясини ижро этиш билан бошланади.

1-бошловчи:
Ассалом, бахт бахшида,
эркимни танитган кун!
Инсонийлик баҳсида
ганимни гангитган кун!
Сўзламоқ ва тингламоқ
не, мушарраф этган кун,
Умр қадрин англлатган,
инсонликка элтган кун!

2-бошловчи:
Меҳнат қилмоқ ва бил-
моқ шараф бўлган, шон
бўлган,

Озод элда туғилмоқ
иқболга ишонч бўлган,
Адолат жарангоси янгра-
ган кун, ассалом!

Ҳаётимиз асосин англ-
ган кун, ассалом!

1-бошловчи:
- Дарҳақиқат, биз улуг
сана арафасида турибмиз.
Қомуснома- бу давлатимиз
мустиқиллигининг рамзи ва
ифодаси. Қомуснома - халқ
хурлиги ва озодлиги тим-
соли.

2-бошловчи:
- 8 декабрда озодлик
ғояси ва руҳи ила суғорил-
ган бу битикнома қабул
қилинганлигига 7 йил тўла-
ди. Барчангизни шу қутлуғ
айём ила қутлаймиз.

1-бошловчи:
- Улуғ бобокалонимиз
Амир Темур «Қаерда қонун
ҳукмронлик қилса, шу ерда
эркинлик бўлади», - деган
эдилар.

2-бошловчи:
- Ҳа, бобомиз умр бўйи
ўзлари билан Қуръони Ка-
римни олиб юрган эканлар.
Бу ҳақда ўзлари шундай деб
таъкидлайдилар: - Бирор
ишни қилмоқчи бўлсам,
кенгашиб олиб, кейин...
Қуръони ҳукми билан иш
қилар эдим.

1-бошловчи:
- Тўғри гапларни айтдин-
гиз. Буни соҳибқирон бобо-
мизнинг фарзандларига ва-
сиятларида ҳам кўришимиз
мумкин. (Ўртага соҳибқирон
тимсолидаги ўқувчи чиқиб
Амир Темурнинг ушбу
сўзларини ўқиб бериши ёки
оҳанрабо тасмасидан эшит-
тириши ҳам мумкин).

- Ўғилларим, миллатнинг
улуг мартабасини, саодати-
ни сақламоқ учун сизларга
қолдираётган васият ва «ту-
зук»ларимни яхши ўқинг,
асло унутманг ва татбиқ
этинг.

Миллатнинг дардларига
дармон бўлмоқ қутлуғ ва-
зифангиздир. Заифаларни
кўринг, йўқсилларни бой-
лар зулмига ташламанг.
Адолат ва озодлик - дасту-
рингиз, раҳбарингиз бўлсин.
Мен сингари узун салтанат
сурмак истасангиз қили-
чингизни яхши ўйлаб че-
кингиз.

2-бошловчи:
- Демак, ўша даврда ҳам
адолат энг юқори ўринда
турган экан.

1-бошловчи:
- Ҳа, бобомиз «Куч - адо-
латда» деб бежиз айтмаган-
лар.

2-бошловчи:
- Дарвоқе, бугун адолат
офтоби чарақлаган кун.
Ушбу кунда Қомуснома-
нинг айрим бандлари би-
лан танишсак. Навбат тенг-
дош дўстларимизга:

1-ўқувчи:
- Ўзбекистон Конститу-
цияси 6 -бўлим, 16- боб,
128- моддадан иборат

ҳам, талабингиз шариатга
мувофиқ бўлса, жоним би-
лан қабул қиламан.

(Қозихонага борадилар./
Қози: - Келинлар, қан-
дай масала хуеусинда қадам
ранжида қилдингизлар?

Онахон:- Бир масала ила
мурожаат қилмоқчиман.
Адолат ила ҳал этиб бер-
сангиз. Мана бу шоҳ - ўғлим-
нинг қотили.

Қози: - Йўғ-э, шоҳимиз
адолатли, халқсевар инсон-
лар. Адашмадингизми?

Бошловчи: - Золи фалак-
дин неча кўрсанг алам

Шоҳ чув қилур адл, На-
воий, не гам?

Яъни, Кўҳна фалакдан
қанча алам кўрсанг ҳам,

Шоҳ адолат қилса, эй
Навоий, не гам?

3- ўқувчи:- Демак, адо-
лат билан ишни ҳал қилиш
бизга боболаримиздан ме-
рос экан. Қомусноманинг
13- моддасида шундай дей-
илган: Ўзбекистон Респуб-
ликасида демократия уму-

рим бўлгин,
Жонинг бўлсин саломат.
Оғзинг ошга етганда
Кўрмагин-да хиёнат
9- ўқувчи:
Кўрар кўзингни асра,
Халқим, ўзингни асра,
Минг йиллар ичра топдинг,
Ўз илдингни, асра!

10- ўқувчи: Ўзбекистон-
ни асраш, унинг тарихий,
маънавий ва маданий ме-
росини авайлаш барча фу-
қароларнинг бурчидир. Бу
ҳақда 55- моддада шундай
ёзилган: Ер, ер ости бой-
ликлари, сув, ўсимлик ва
ҳайвонот дунёси ҳамда бо-
шқа табиий заҳиралар
умуммиллий бойликдир.
Улардан оқилона фойдала-
ниш зарур ва улар давлат
муҳофазасидадир.

11- ўқувчи: - Қомуснома-
нинг «Оила» бобида фар-
зандлар ва ота- оналарнинг
бурчлари ҳақида қуйидаги-
лар ёзилган.

64- модда: Ота- оналар
ўз фарзандларини вояга ет-
гунларига қадар боқиш ва
тарбиялашга мажбурдир-
лар.

12- ўқувчи:- Фарзандлар
ҳам ота-оналарга ғамхўрлик
қилишлари шарт. Бу ҳақда
66- моддада ёзилган. Зеро,
кексайган ота-онани рози
қилмоқ ҳар бир фарзанд-
нинг бурчидир.

13- ўқувчи:XXIII боб.
«Сайлов тизими» ҳақида
бўлиб, 117- моддада шун-
дай ёзилган: Ўзбекистон
Республикасининг 18 ёшга
тўлган фуқаролари сайлаш
ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов
ўтказиш тартиби қонун би-
лан белгиланади.

14- ўқувчи: - Мана, Кон-
ституциянинг айрим модда-
лари билан танишдик.
Кўринаяптики, бу ҳужжат
инсон манфаатларини
ҳимоя қилувчи адолатли
қонунлар тўплами.

1-бошловчи: - Ҳа,
А.Орипов ёзганидек:

Ўз қўлингга олганинг-
ялов сенга муборак,
Юрагингда сўнмаган
олов сенга муборак,
Ёндиролдинг қорларни -
қалов сенга муборак,

Елкамизга офтобнинг
теканлиги рост бўлсин,
Ўзбекининг ўз уруғин эк-
канлиги рост бўлсин.

2- бошловчи: - Азиз ус-
тозлар ва тенгдошлар! Бар-
чангизни яна бир бор Кон-
ституциямизнинг етти йил-
лиги билан қутлаймиз.

(Тадбир давомида куй-
қўшиқлардан, шеърлардан
фойдаланиш, меҳмонларга
сўз бериш мумкин.)

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Пойтахтимиздаги
274- мактаб муаллимаси.

АДОЛАТ ОФТОБИ ЧАРАҚЛАР БУ КУН

бўлиб, 5-моддада шундай
ёзилган: Ўзбекистон Рес-
публикаси қонун билан тас-
диқланадиган ўз давлат рам-
злари - байроғи, герби ва
мадҳиясига эга. Айрим са-
наларни эслаб ўтсак-а? 1991
йил 18 ноябрда Давлат бай-
роғи, 1992 йил 2 июлда
Ўзбекистон Давлат герби,
1992 йил 10 декабрда Дав-
лат Мадрҳиясининг матн ва
музыкаси тасдиқланган кун.

2-ўқувчи:
- 14-модда билан таниш-
тирсам: Давлат ўз фаолият-
тини инсон ва жамият фа-
ровонлигини кўзлаб, ижти-
мой адолат ва қонунийлик
принциплари асосида
амалга оширади.

Бошловчи:
- Адолат бор ерда эл осой-
ишта, адолатли шоҳ бошқ-
арган юртда мамлакат обод.
Ҳозирги намоийш этадиган
саҳна асаримизда ҳам адо-
латнинг қандай кучга эга
эканининг гувоҳи бўласиз:

Тахтда шоҳ Фозий ўтириб-
ди. Бирдан ҳузурига алам-
зада, кўзлари ёшли онахон
кириб келади:

Она: - Эй шариатпаноҳ
шоҳ! Агар адолат билан иш
қўриладиган бўлса, бугун
Сиз билан шариат бўйича
даъволашаман. Шартим
шуки, менга қаҳр-ғазаб
қилмайсиз, даъвомга эса
қозихонада жавоб берасиз.

Шоҳ: - Майли, онахон!
Қозига даъво қилсангиз

Онахон: - Арзимга кулоқ
солинг. Шоҳ қазақлик
қилиб юрганда, аскарлари
билан аёвсиз жангларга бош
бўларди. Менинг ёлғиз
ўғлимни шу жангда ҳалок
этганлар.

Қози: - Гувоҳингиз бор-
ми?

Онахон: - Гувоҳим шоҳ-
нинг адолати ва инсофи.
Бошқа гувоҳим йўқ.

Шоҳ: - Қози жаноблари,
мен айбимга иқрорман.
Жанг қурбонсиз бўлмайди.

Қози: - У ҳолда ё хун пули
тўланиши ёки қасос оли-
ниши тўғри бўлади.

Шоҳ: - Агар шариат шун-
дай ҳукм қилган бўлса,
пайғамбар шариатининг
ҳукмига жонимни фидо
қиламан.

(Шоҳ онахоннинг бир
қўлига тиг тутқазиб, бир
томонга олтин- кумушлар-
ни тўкиб қўйди.)

Шоҳ: - Онахон, қасос
оламан десангиз - мана бо-
шим, мана тиг ёки хун пули
лозим бўлса, мана пул.
Ўғлингизни ўлдиришга
буйруқ берганда ихтиёрсиз
эдим. Ҳар не қилсангиз их-
тиёр сизда.

Онахон:/ҳаяжонланиб/ -
Сизнинг адолатингиз ва
инсофингиз олдида бу тиг
ўтмаслашди. Керак бўлса
менинг жоним ҳам сизга
фидо бўлсин.

/ Кампир пулни олиб
чиқиб кетади./

минсоний принципларга
асосланади, уларга кўра
инсон, унинг ҳаёти, эркин-
лиги, шаъни, қадр- қимма-
ти ва бошқа дахлсиз
ҳуқуқлари олий қадрият
ҳисобланади.

4-ўқувчи: - Бизда ҳар ким
ўзи севган касбини танлаб,
олийгоҳларда ўқишга ҳақли.
Бу ҳақда 37- моддада ёзил-
ган: Ҳар бир шахс меҳнат
қилиш, эркин касб танлаш,
адолатли меҳнат шароитла-
рида ишлаш ва қонунда
кўрсатилган тартибда иш-
сизликдан ҳимояланиш
ҳуқуқига эга.

5-ўқувчи:- 40-модда биз-
нинг порлоқ келажгимиз
учун замин тайёрловчи жо-
нажон мактабимиз, илм
олиш ҳуқуқимиз ҳақида:
Ҳар ким билим олиш
ҳуқуқига эга. Бепул умумий
таълим олиш давлат томо-
нидан кафолатланади. Мак-
таб ишлари давлат назора-
тидир. Шу ўринда мустиқил
ватанимиз ҳақидаги айрим
шеърлардан тингласак.

6- ўқувчи: Юртим!
Тоғдай елкаларингга
Ҳизр қўлларин қўйсин.
Сенга қасд қилганлар-
нинг

Етмиш томири куйсин.
7- ўқувчи: Айвонингга
сайраган

Қалдирғоч бўлсин доим,
Даштларингда бўзночу
Тоғравоч бўлсин доим.

8-ўқувчи: Ғаний бўл, ка-



(Боши ўтган сонда)

У бир неча инженерни ишга қабул қилди. Ходимлари эндигина йигирма ёшга кирган Томни «қария» деб аташарди. Том қаттиққўл раҳбар бўлиши билан бирга айна замонда хушчақчақ, хушфеъл, дўст ҳам эди. Омад келиб иш ўнгидан келган пайтлари Том сақраб туриб жанговар «зулу» рақсига ўйин тушиб кетарди.

1871 йили 24 яшар Том Мари Стилвел исмли қизга уйланди. 16 ёшга тўлган Мари Томнинг ақлли ва қувноқ йигит эканлигидан бохабар бўлса-да, унинг нуқул бандлигидан бироз ташвишланарди. Бу баъиз эмасди. Чунки, ҳатто тўй кунини ҳам Том ярим кечагача ишлаган эди. Кейинчалик ҳам Том бир неча кунлаб ишхонасида қолиб кетган ҳоллар кўп бўлди. Том учун ҳаётда энг муҳим нарса иш эди. Аввал бошидан гўё онаси Томни ишга туққан эди ва ҳаётининг охирига қадар шундай бўлиб қолди.

Том билан Мари 3 та фарзанд кўришди. Улар ўз фарзандларига Марион, Томас ва Уилям деб исм қўйишди. Том Морзе алифбоси кодидаги нуқта чизиқларига ўтказиб, болаларига «нуқта», «чизиқча», деб лақаб ҳам қўйди. Ишлаётган пайтида болалари ёнида ўйнаса Том яйраб кетарди. Ньюаркдаги устахона тобора торлик қила бошлади. Шу боис Том отасини Порт Хурондан чақириб олди ва Нью Жерси шаҳрининг Менло Парк деган жойида янги, катта устахона қуриб беришни илтимос қилди ва унга етарли маблағ берди. Том янги устахонага «ихтиро заводи» деб ном қўйди.

Том 1876 йилдан бошлаб Менло Паркда ишлай бошлади. Қилган кашфиётлари туфайли у машҳур бўлиб кетди. АҚШ ликлар уни «Менло Парк сеҳргари» деб атай бошлашди. Кўп одамлар овози ва ёруғлик асбоблари зўр афсунгарлик йўли билан ясалган деб ўйлашарди. Ҳар қандай афсунгарнинг ёрдамчилари бўлади. Том ҳам буни яхши биларди. У замонасининг энг моҳир усталарини ўз ишхонасига жалб қилди. Уларга яхши ҳақ тўлади.

Тарих арамзан кичилар

САМЛ МИЛЛЕТОН

Бу усталардан бири швецариялик Жон Крузи, иккинчиси англиялик инженер Чарльз Батчелор эдилар. Вақт ўтиши билан уларнинг сафига янги-янги усталар қўшила бошлади. Кўпинча бу усталар то тонгача ишлаб қолар эдилар. Бироқ улар ҳар доим қувноқ ва хушчақчақ бўлиб қолавердилар. Томас турли-туман ҳазил-мутойиба билан ҳаммани кулдирад, кайфиятини кўтарарди. Овқат пайтида мусиқа эшитиш учун Том устахонага орган ҳам ўрнаттирди. Хўш, Том ўз усталаридан нимани талаб қиларди. Том ўз дўстлари олдига «ҳар ўн кунда унча муҳим бўлмаган кичикроқ ихтиро, ҳар олти ойда бўлса муҳим ихтиро кашф этиш» вазифасини қўйган эди. Энг муҳим ихтиролардан бири ўзини кўп куттирмади.

Александр Грахам Белл «гапирувчи телеграф» ёки бошқача айтганда телефонни кашф қилди. Бу чинакам мўъжиза эди. Бироқ бу телефондан овоз бир оз паст эшитилар ва фақат бир неча мил масофадан гаплаша олиш мумкин эди. Фарбий Телеграф Компанияси бўлса телефон овози аниқ-равшан ва узоқ масофадан эшитилишини хоҳларди. Компания Мелло Паркка шу ҳақда буюртма берди.

Том ўз командаси билан икки мингдан зиёд тажриба ўтказди. Томнинг қулоғи ҳамон оғир эди. Шу боис у овозини яхшироқ эшитиш мақсадида тишларидан фойдаланиб кўрди. Том телефонга магнит ўрнатди. Энди товуш тўлқинлари унинг жағи орқали қулоқ пардаларига етиб борадиган бўлди.

Нихоят у мақсадига эришди. Том кичкинагина углерод узатгични ихтиро этди. Бу ихтиро катта ўзгаришга олиб келди. Эндиликда ҳатто қулоғи оғир Том ҳам узоқдан телефонда гапираётган кишининг овозини аниқ-равшан эшитиши мумкин эди. Фарбий телеграф компанияси бу ихтирони жон-жон деб сотиб олди ва унга 100 000 доллар

ҳақ тўлади. Дунёда телефон асри бошланган эди. Том бу шодиёганини нишонлаш учун рақс тушиб берди, албатта.

Энди Томнинг фикри-хаёлини беқиёс бошқа гўзал бир ғоя банд этди. Том «Фонограф» ёки бошқача айтганда овоз ёзадиган ва эшиттирадиган машина яратиш истаги билан ёна бошлади. Бу сафар бошқачаларгина эмас Томнинг ҳамкасблари ҳам бу ғоянинг амалга ошишига ишонишмади. Том кўп ўтмай учи ўткир углерод узатгич билан ўз овозини қўрғошин қоғоз ўралган целиндрга ёзишга муваффақ бўлди. Целиндр айлантирилганда ёзилган овоз қайта-қайта янграйверди. Томнинг ҳамкасаба дўстлари машинадан эшитган биринчи сўзлар бундай эди: «Марининг кичкина кўзичоғи бор». Томнинг дўстлари ҳайратдан лол бўлиб қолишди. Улар бир ҳийла, хонага кимдир бекиниб олиб, Том айтган сўзларни такрорлапти, деб ўйлашди. «Фонограф»ни сотиш мумкин бўлган даражага келтириш учун ўн йил меҳнат қилишга тўғри келди. Бу борада Кўшма Штатлар Президенти Томни Оқ уйга таклиф қилди ва унга шахсан буюртма берди.

«Мен кўпгина яхши машиналар яратдим», деди Том Президентга.

«Бу машина бўлса ҳали чақалоқ. Мен уни ўстириб вояга етказиш ниятидаман.

Том ҳақ гапни айтган эди. Ҳозирги даврда мавжуд овоз ёзадиган ва эшиттирадиган замонавий машиналар унинг шу кичкинагина фонографидан бошланган эди.

Томнинг кейинги кашфиёти чинакам оламшумул ўзгариш ясади. Бундан 120 йилдан кўпроқ вақт олдин бутун дунё кечалари гўё бир зимистонда яшар эди. Баъзи катталар кўчалар газ машъалалар ёрда-

мида одамларнинг уйлари бўлса ҳам ёки бадбўй ёғли чироқлар билан ғира-шира ёритиларди, холос. Кимдир бехосдан бу чироқ ёки шамни туртиб юборса уйини ўт олиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди.

Бошқа кўпгина олимлар сингари Том энг камбағал одамларнинг уйлари ҳам электр лампаси билан ёритишни истарди. Том бу орзусини рўёбга чиқаражagini дадил эълон қилди. Бунинг учун энг аввало энергия узатилганда соатлаб узлуксиз ёниб турадиган ёритгич чўғланма лампани яратиш лозим эди. Том минглаб тажрибалардан кейин ана шундай биринчи шиша «пиёз»ни ясашга муваффақ бўлди. У «пиёз»нинг ичига углероддан жуда ингичка тола ўрнатди. «Пиёз» токка уланган пайтда бу тола жуда равшан ёнди. Кўп ўтмай Том Менло Паркнинг ҳамма жойига ўзининг шиша «пиёз»ларини ўрнатди. Бу ишнинг боши эди, холос. Том бутун Нью Йоркни чарогон этиш ниятида эди.

Бу воқеа 1882 йилнинг 5 сентябри, душанба кунини соат 3 да содир бўлди. Том ўзининг шиша «пиёзи»ни кашф этганига бор-йўғи уч йилча вақт ўтганди, холос.

Бугун бўлса у ўзининг Нью Йоркнинг Перл кўчасида жойлашган электр станцияси биносида ҳаяжон оғушида турарди. Электр станциясини ишга тушириш дақиқалари етиб келганди. Агар иш кўнгилгидагидай бўлса, электр махсус ўтказилган симлар орқали дастлабки 85 хонадонда ўрнатилган шиша «пиёз»ларга оқиб бориши керак. Ҳа, электр лампаларига дастлаб ана шунча киши харидор бўлган эди. Аммо уларнинг уйларига ўрнатилган электр чироқлар ёнармикан? Бу «пиёз»лар ёнғудай бўлса борми, миллионлаб кишилар ўз уйларида электр лампалари билан ёритишга талабдор бўлиши турган гап эди.

Нихоят орзу қилиб кутилган вақт етиб келди. Том станция бошлигига: «Ёқинг» деди, Зум ўтмай шаҳарнинг турли томонларида жойлашган 85 хонадоннинг уйларида электр лампалар порлади. Ҳайратдан ёқа ушлаган одамлар олқишидан сўнггина Буюк Сеҳргар тин олди. Шундай қилиб Том туфайли электр ёруғлиги асри бошланди.

Бироқ Том уни олдинда оғир жудалик кутаётганидан беҳабар эди. Том электр станциясини ишга туширгач оиласини Нью Йоркка кўчириб олиб келди. Орадан икки йил ўтгач, рафиқаси Мари тиф касалига йўлиқиб вафот этди. Том ва унинг болалари ўз кўзларининг қорасидан ажралиб қолган эдилар. Уларнинг назарида энди ҳеч ким Марининг ўрнини босолмас эди.

(Давоми бор)

Инглизчадан Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактаб ўқувчиси
Малика ШАРИПОВА
ўзбекчалаштирди.

БОБОМНИНГ АЙБИ

«Шу кунларни кўришни насиб этган Оллоҳимга минг қатла шукур, дейдилар момом ҳар бир гапларининг бирида. Қуллик нималигини, мустамлака азобини бизлардан сўра. Ўзимиз экканимизни ўзимиз ботиниб териб ололмас эдик, роҳат қилиб еёлмас эдик. Биз яшаган тузумда инсониятнинг қадри йўқ эди. «Халқ душмани» деган тавқи лаънатга кўплаб яхши инсонлар дучор бўлди. Улар орасида буванг ҳам... Буванг совхозда раис эди. Қишлоғимизга маданият, маърифат ишини кўп ўйлаб, ўзича жонбозлик ҳам қиларди. Шунини айб санашди, онкўрлар... Афсус Ватан мустақиллигини кўролмай кетди.

Аламли хотираларини тинглар эканман, моможонимга Ватан озодлигини ўз кўзлари билан кўриш насиб этганидан хурсанд бўламан. Озодлик деб оламдан ўтган ота-боболаримизнинг руҳи бизни ҳаммиша қўллаб-қувватласин. Озодлигимиз, эрк мустақиллигимиз абадий бўлсин.

Хуршида ФУЛОМОВА,

Қашқадарё вилояти, Қамашу туманидаги Баландчайла қишлоғи.

Мана, тўрт йилки отам, фалсафа фанлари доктори, профессор З.А.Абдуллаевнинг туғилган куни уларсиз нишонланади. Ушбу куни оила аъзоларимиз отамнинг ўғитларини ҳам эслаймиз. Отам бажарган ишлар, ҳар бир ёзган жумлалари мукамал инсон намунасидир. Ҳамиша биз фарзандларини ўйлаб иш тутганлар, йўл-йўриқ кўрсатганлар. Масалан, ҳозирги мустақил Ўзбекистонимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бизлар адашиб қолмасдан тўғри йўлдан юришимиз учун у инсон «бозор муносабатларига энди кириб келаётганлар учун эслатма» (болаларим ва невараларим учун) ўғитларини ёзганлар. Ушбу ўғитлар илмий-фалсафий асосда турмушга ёндошиш йўлларини тасвирлаган. Отамлар ўғитларини 1995 йил 17 декабрда ёзиб тайёрлаганларидан кейин бешта боласи оилаларига тарқатиб чиқдилар ва неваралар томонидан уларни ўрганиб чиқишга жавобгар қилиб оила онасини тайинладилар. Икки ҳафта давомида эслатмани ўрганиб, ҳар бир невара ўз муносабатини изоҳлаб беришини тайинладилар. 1-январь 1996 йилда эса отам раҳбарлигида оиламизда болалар орасида «Ўғитларни ўрганиш» мусобақаси ўтказилди. Ушбу мусобақа ғолибларга мукофотлар берилди. 1-ўринни тоғамнинг оиласи қўлга киритди.

Сиз ҳам ушбу ўғитларни ўқиб кўринг: ечимини тополмай турган саволларингизга жавоб топасиз, деб ўйлайман...

Тафаккурни тубдан ўзгартириш, инсонлар билан ўзаро муносабатларнинг янгича тамоилларини шакллантириш

шарт.

Истеъмолчи турмуш тарзидан ўзининг ишлаб чиқарган истеъмолига ўтиши зарур.

Ҳар бир инсоннинг талаб ва ихтиёжи «хоҳиш бўйича эмас», балки мавжуд имконият ва манбааларга асосланган ҳолда қондирилиши лозим.

Сотиб олинган (тайёр)дан кўра ўзингиз тайёрлаган маҳсулотни истеъмол қилганингиз фойдалидир.

Ўқиш, билим олиш, бола

ОТАМНИНГ ЎҒИТЛАРИ

тарбияси ишлаб чиқаришнинг бир тури, шахсни бозор муносабатларига тайёрлашдир.

Ҳамма нарсани: нон, гугурт, нина, кир ювадиган порошок, газ, сув, электр-энергия, тиш пастасини ишлатиб бўлгандан кейин албатта яхшилаб ёпиш, ўқув қуроли, шахсий буюмлар ва ҳоказоларни тежаш ҳаёт қонунларига айланиши шарт.

Овқатланиш маданиятига қатъиян риоя қилинг. Меъёридан кўп тановул қилиш - соғлиқ учун зарар, тежамкор бўлмаслик эса экологияга таъсир қилади.

Бор нарсалардан ва маҳсулотлардан баҳраманд бўлишни ўзингизга одат қилинг. Энг кичик нарсани ҳам қадрига этинг. «Шукрона» тамоилига

асосланиб яшанг.

Ҳар бир оила аъзоларингиз ва жамоа аъзоларингиз билан муросяо музокара қилинг, уларга мурувватли бўлинг. Хушмуомалик ҳаёт қонунидир...

Ўз вужудингизни доимо чиниқтиринг. Чунки касал бўлиш қимматдир ва камситилишга олиб келади.

Даромадли ҳалол бизнес билан шуғулланиш зарур. Бунинг учун эса бизнес механизмини мукамал билиш керак. Маданиятли, ҳолисона, ақл билан қилинган

бизнес (тижорат) инсонни руҳан тетик қилади.

Бошлаган ишингизни охиригача етказинг.

Маълумот бойлик манбаидир. Нарх-наводан, маҳсулотлар ҳажми, тури ва сифатидан доимо огоҳ бўлиш шарт. Ақлли киши арзон ва сифатли буюмни харид қилади. Нимаики харид қилсанг сотувчини рози қил. Харидор ва сотувчи манфаатлари уйғунлашиши керак.

Тадбиркор ва тижоратда аниқлик ҳамда пишиқлик бўлиши зарур. Ҳар бир ишда масъулиятли бўлинг.

Инсон ўз шахсий меҳнати билан бойликни яратиши лозим ва уни исроф қилмаслиги керак. Лекин бойлик ҳар жойда тўпланса низо



ёки ихтилоф ва зиддиятлар манбаи бўлади. Шунинг учун топган бойлигингни опа-укалар, қариндош-уруғлар, дўст-ёрлар, етим-есирлар билан бўлишиш шарт.

Кишиларга ишониш керак. Лекин, ўта содда бўлмаслик лозим. Чунки сизнинг рақибингиз сизни алдаши ёки сизни ноқулай аҳволга қўйиши мумкин. Шу каби рақиблар учун алдаш бойлик орттиришнинг асосий манбаидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир муносабатингиз қонуний асосда бўлиши керак ва оқилона баҳам кўра билиш керак.

Ҳақиқат - бу бизнинг хоҳишимиз эмас, балки ижтимоий амалиётга мос келадиган нарс.

Майда-чуйда ишлар учун шерингиз билан бахшлашманг, лекин принципиал масалаларда қатъий бўлинг.

Ўз-ўзини танқид қилмоқ - инсон тараққиётининг руҳиятининг манбаидир.

Ўғитларни оққа кўчирувчи
Алишер МАТЌУБОВ,
Тошкент шаҳридаги 57-мактабнинг 10-синф ўқувчиси тайёрлади.

ХАҲТОМАЛАР

КУН БИЛАН ТУН

Невара билан буви ўзаро гаплашиб ўтиришарди. Шунда невараси:

Бувижон, нега кундуз билан тун бўлади? - деб сўраб қолди.

- Кундуз одамлар ишлаши учун, тун ухлаши учун чиқарилган, эркатойим, - жавоб қилди кампир.
- Вой, бувижон, нега унда бизни боғчамизда кундузи ухлатишади?

ШҮҲҲҲ ОЌҚЛИ ҚАНОТЛИ ПАРРАНДА

Боғча опа болаларни ҳайвонот дунёси билан таништирди. Кейин уларни синаш учун:

Тўрт оёқли қанотли паррандани ким айтади? - деб савол ташлади.

Биринчи бўлиб Сардор қўл кўтарди.
- Хўш Сардордек, қандай қанотли парранда экан?

- Товуқ билан хўроз.

- Қандай қилиб?

- Иккаласи бир жойда турганда оёқлари тўртта бўлади.

Ўртоқлари Сардорнинг топқирлигидан мазза қилиб қулишди.

АҚЛЛИ БИЛАН АҲМОҚҚА ҚАНДАЙ ИШОНИШ КЕРАК?

Ўқитувчи ўқувчиларга нимага ишониш кераклиги ҳақида тушунтирди.

Хуллас болалар, кўз билан кўриб, қўл билан тутган нарсанга ишониш керак.

- Устоз, унда ақлли билан аҳмоққа қандай ишониш мумкин, - савол берди биринчи партада ўтирган бола.

- Ўқишига қараб, - деди ўқитувчи.

КАРИМ РАҲИМ.

ҲАҲТОМАЛАР

Салом азиз тенгдошим! Менинг исмим Нигора. Шу кунларда ҳаёлимдан бир фикр ўтмоқда. 2000 йил мактабни тарк этамиз. Янги асрга қадам қўямиз. Бизнинг олдимизда улкан вазифалар турибди. Ўзбекистон деб аталмиш бу юртга муносиб фарзанд бўлиш, уни янада жаҳон миқёсига кўтариш бизнинг бурчимиздир. Бунинг учун эса бор кучимизни ишга солишимиз, эркин фикрлашимиз, буюк боболаримиз ўғитларини ўрганиб боришимиз керак.

Ҳозир Ўзбекистон сайловлар олдида турибди. Биз сайловларда иштирок этолмаймиз. Лекин акаларимизга, опаларимизга жуда ҳавас қиламиз.

Азиз ака-опалар! Сизлар фақат муносиб номзодларга овоз беришингизга ишонамиз. Бу йўлда сизларга омад тилаймиз.

Тенгдошларим! Йигирма биринчи асрда биз жаҳон ёшларидан эмас, балки жаҳон ёшлари биздан ўрганишларини жуда-жуда хоҳлардик. Албатта шундай бўлади. Қани, навбатдаги асрга олға, азиз дўстларим!

Нигора ХОЛИСБОВА,
Тошкент шаҳар, 214- мактабнинг 11-
«Б» синф ўқувчиси.

Маҳалламизда Чўққи бува деган жиккаккина буважоним борлар. Бўйлари ҳам бувимнинг қаричларида бир қаричгина (бувим шундай дейдиларда). Шуларга негадир жуда ёқиб қолганман. Қаёққа борсалар насибаси деб менга шоколад, конфет оловладилар. Яна энг қимматидан. Чўққи бува-нинг отлари асли Нортой экан, шу ... Тойчоққа ўхшаб гижинглаб юрсинлар деб шунақа қўйишган бўлса керак. Катта киши бўлганларида сал «солидна» бўлай деб соқол қўйибдилару у ҳам даккам-дуккам чиқибди. Бор-э, бўлганча бўлди, деб



қўйиб юбораверибдилар. Соқол юзларини чўзилтиришга чўзилтирибди-ю кўпам узаймабди. Бизам зерикдик. Чўққи бува-нинг йўллари пойлаймиз. Кампирлари қазо қилганига анча-мунча бўлади. Невара-чеваралари узоқда туришади. Олиб кетамиз деб шунақа яли-

нишди, кетмадилар. Кампиримнинг арвоҳи чирқирайди, дедилар.

Шундай дедилару лекин ўзлари...

Мактабдан қайтаётсам Чўққи бувам йўлимни пойлаб турибдилар. Ишлари шошиличроқми ё чопонларининг этаги узунми, ҳар қалай унинг ўнг барини белларидаги қийиқчага қистириб олганлар. Ҳар куни қийиқчалари гижинг-мижинг кир бўлиб ётарди. Бугун ярақлаб очилиб кетибди.

куни Қодирвой акамни битта кетворган қиз билан кўрдим. Ҳеч кимга айтма дегандилар, айтмадим.

- Буни сиз гапирмадингиз, мен эшитмадим, хўпми? Манов мактубни...

Чўққи бувам ён чўнтақларидан учбурчак қилиб букланган қоғозни олиб кўлимга тутқаздилар.

- Шунинг тутли ҳовлидаги Моҳи холангиз бор-ку, шуларга берсангиз.

- Чўққи бува у ерда Моҳи

пирлар.

- Бува,бува. Бу хатда нима ёзилган?

-Ҳали ёшсиз, бўтам. Катта бўлганингизда...

-Ҳа, а, жавобини дарров олиб келайми?,- дедим кўвнаб.

- Шароитга қарайсизда, бўтам, шароитга. Лекин зинҳор-базинҳор биров сезмасин. Айниқса, Мошхўрда холангизга эҳтиёт бўлинг. У билди, тамом. Телевизорга чиқиб эълон қилади. Ана ўшанда кўринг базмни.

Яйра САЪДУЛЛАЕВА.

-И, сенмидинг, набирам мактабдан келдими, депман,- дедилар игнани галтак ипга қадаётиб,- кел раҳматли Мақсудабонунинг набирасимисан?

-Топдингиз хола.

-Ойинг яхшими, тузук бўлиб кетдими?

-Ишга кетганлар. Мен сизга-чи,- овозим ўз-ўзидан пасайди, - ҳеч ким йўқми хола?

- Йўқ, гапиравер,- дедилар улар ҳам негадир пичирлаб.

У ёқ бу ёққа қараб олдимда қўйнимдаги хатни олиб шоша-пиша уларга тутқаздим.

Холамнинг ҳайрон

ЧЎҚҚИ БУВАМ, ҲИ-ҲИ ХОЛАМ ВА МЕН

(Ҳикоя)

Ўтириб олиб бир соат дазмоллаганга ўхшайдилар.

-Мулла Тиркашвой!

- Лаббай, отахон.

- Умрларига барака. Ота-си жонидан.

Попкамизни ерга қўйиб, қўл қовуштириб турибмиз. Одобли десинлар деб.

- Бир яхшилик қиласизда бўтам.

- Сизга яхшилик қилмасак кимга яхшилик қиламиз отахон,- дедим гурур билан.

- Бўлмаса...- Чўққи бува атрофга жовдир-жувдир қилиб қараб қўйдилар,- сир сақлашни биласизми, бўтам?

- Билганда қандоқ. Тунов

хола деган хотин турмайдилар. Биттагина кампир-Ҳи-ҳи хола борлар.

Чўққи бувам соқолларини селкилатиб кулиб юбордилар.

- Сиз обораверинг, бўтам. Хат эгаси ўша ерда бўлади.

- Моҳи хола деб, Ҳи-ҳи холага бериб қўйсамчи?

- Обораверинг. Ҳе-ҳе-ҳе. Иккалалари бир одам.

- Ростданми? Нега бўлмаса «Ҳи-ҳи»?

- Холангиз бир кун кимнингдир тўйида жудаям кўп кулворган эканлар. Битта гаразгүй хотин шунақа лақаб қўйиб юборган экан. Лекин ўзлари боодоб кўҳликкина кам-

Менам унча-бунчага бўш келмайдиганларданман. Узоқдан Ҳи-ҳи холанинг дарвозаларини мўлжаллаб боравердим. Тўғридаги айвонда Ҳи-ҳи хола кўзойнакни тутволиб, яп-янги атлас кўрпани қавияптилар. Оббо, кампиршо-ей, тўйлари бўлишини қаердан била-қолдиларкин-а! Атайлаб оёғимни шап-шап ташлаб боравердим. Битта-яримта уйда бўлса ҳеч бўлмаса деразадан ким экан деб мўралар деб-да, албатта.

-Тапиллатмай келавер, ернинг ҳам жони бор,- дедилар холам.

Айвонга-чиқиб салом берганимдан кейингина бошларини кўтардилар.



бўлиб бир менга бир учбурчак мактубга қарадилар.

-Сирли,- дедим шивирлаб, - очиб ўқинг. Ҳи-ҳи холанинг қўллари негадир титраб кетди.

ДАВОМИ БОР.

ПАРЖИМАИ ХОЛ

Мен дунёга келдим баҳор фаслининг
Бир минг тўққиз юзу эллик тўртида.
Қардош Тожикистон мамлакатининг
Регар деб аталмиш обод юртида.

Мен дунёга келдим тинч бир замонда
Жуда сокин эди бу нотинч дунё.
Бир-бирин қирмоқлик йўқ эди қонда,
Шонинг сўзларим эмасдир рўё.

Ойлар, йиллар ўтиб, етти ёшимда
Илк бор мактаб сари қўйгандим қадам.
Рухий онам бўлмиш, устозим томон,
Қўлимдан етаклаб борганди дадам.

Ўн йил билим олгач Зебинисода
Бағрига чорлади она Ватаним.
Ота-онам юрти Қашқадарёда
Қарши олийгоҳи бўлди масканим.

Беш йил ўтгач, гарчанд оғир бўлса-да
Устозлардан айро тушмоқ батамом.
Нозик кўнгилларни шод этди бироқ,
Олий маълумотли устоз деган ном.

Устоз ижоди

Бир минг тўққиз юзу етмиш саккизда
Косонда чақнамиш тақдир юлдузим.
Йигирма йилдирки бахтли онаман,
Дилимни ёритмиш ўғилу-қизим.

Оила йилида икки невара,
Ҳадя этмиш менга қодир Худойим.
Бир қизу бир ўғил Фарангиз, Парвиз
Боши тошдан бўлсин уларнинг доим.

Минг тўққиз юз етмиш иккинчи йилдан
Қаршини муқаддас деб биламан.
Йигирма саккиз йил битта соҳада
Муаллима бўлиб хизмат қиламан.

Йигирма бир йилки Қашқадарёда
Манзилгоҳим эрур муқаддас Косон,
Тил,ахлоқ, одобдан берурман сабоқ,
Иш масканим мактаб - Ҳамид Олимжон.

Ҳалимова Роҳила ҒУЛОМ қизи,
Халқ таълими аълочиси.

WATANIM

Vatanim hayotim mamotim,
Vatanim beshigim, vatanim qabrim.
Vatanim otam, Vatanim onam,
Vatanim O'zbekiston gullagan
boq'u-bo'ston.

O'ZBEKISTON

Ona yer havosidan oldim ilk bor nafas
O'sbekistonga hamma qilar havas.
Qalam ila tarif qilib bo'lmas,
Don'qi ketgan O'zbekiston
Yashnagan boq'u-bo'ston.

Sardor МАНКАМОВ,
Chilonzor tumanidagi 232-
maktabning 4- «А» sinf o'quchisi.

Республика Ёш томошабинлар театрининг таниқли санъаткорларидан бири Хайитали Низомиддинов агар артист бўлмаганда албатта рассом бўларди. Агар рассом бўлмаганида, албатта ҳажвчи-ёзувчи ёки драматург бўлиб етишарди.

Сабаби шундаки, унда ҳаммасидан бир шингилдан бор. Яъни, роллар ҳам ўйнайди, расмлар ҳам чизади, бадиий асарлар ҳам ёзади.

Хайитали аканинг ўзини ҳикоя қилишича, болалиги Жиззах вилояти Галлаорол туманидаги Қўйтош кончилар шаҳарчасида ўтган экан. Мактабда ўқиб юрган кезлари расм ўқитувчисига ҳавас қилиб рассомликка қизиққан. Кейинроқ адабиёт ўқитувчиси Туроб Зухуров раҳбарлигидаги «Драма тўрага»га қатнашиб юрган пайтлари бирдан артист бўлгиси келиб қолибди.

Ана шу болалик орзуси, болалик ҳаваси уни ҳозирги Маннон Уйғур номли Санъат институтига етаклаб келган ва курс раҳбари Христовор Кожевниковдан актёрлик сирларини ўргана бошлаган экан.

Бундан роппа-роса ўтгиз йил муқаддам Хайитали Низомиддиновга Ҳамид Олимжон номли Самарқанд вилоят театрига йўлланма беришди. У ерда ишлаб юрган кезлари Хайитали ака «Олтин девор» спектаклида Матлаб, «Умрбоқий муҳаббат»да Питер, «Гулдан ҳам нозик» да Дилшод, «Она»да Тони, «Ирkit сатанг»да Морван сингари қатор образлар яратди.

Лекин Хайитали аканинг ўзини эътироф этишича, унинг санъатдаги чинакам ҳаёти 1974 йили Республика Ёш томошабинлар театрига ишга таклиф қилингандан кейин бошланган.

Ҳақиқатдан ҳам Хайитали ака санъаткор сифатида ўзининг янгидан-янги кирраларини кашф этиб,

эл-юртга танила бошлаган йиллар айнаи ўша даврга тўғри келади.

Хайитали ака болалар театри саҳнасида қўйилган «Гавана ўғлонлари» спектаклида Луис, «Думбул бойвачча»да Пифтуний, «Қовоқвой ва Чаноқвой»да Қовун, «Учар табиб» да Куёв, «Минг бир кеча»да Узун сингари бири-бирдан қизиқ, ўнлаб роллар ижро этди ва ёш

гап, катта- кичик роллар ҳам ижро этди.

Яна шуниси ҳам борки, Хайитали ака республикаимизнинг энг сермаҳсул, энг фаол санъаткорларидан бири ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам уни Ўзбекистон телевидениесининг

сиз ўзингиз болаларга ва уларнинг ота-оналарига қандай тилаклар билдирасиз? - деб сўраганимда, у киши «Болалар яхши ўқишсин, одобли-ахлоқли бўлишсин. Ота-оналари соғ-саломат бўлиб, доим кулиб юришсин», деб ният қилди. «Ҳозир қандай асар, қандай роллар устида ишляяпсиз?» - деган саволимга эса кўзларини муғомбирона қисиб кулди ва «Йўқ, бунисини айтмай тураман. Болалар театримизга келишса ўзлари билиб олишади», деб жавоб берди.

Қизиг-а?.. Келинг болалар, яхшиси буни театрда борганда билиб оламиз. Келишдикми?...

Эркин УСМОНОВ.

Қадрли болалар, биз ҳам сиз - Мустақил мамлакатимизнинг барча қизалоқлари - ю, болакайлари номидан қадрдон театримиз жамоасини барча санъаткор ака-опаларимизни қутлуғ тўйлари билан табриклаймиз, қутлаймиз.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» муҳарририяти.

КАТТАЛАРГА ДУСТ, КИЧИКЛАРГА ҚАДРДОН.

томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Шуниси қизиқки, Хайитали Низомиддинов қаерда бўлмасин, ўзининг рассомликка ишқибозлигию ёзувчиликка лаёқатини унутмади, балки ўз истездодининг бу кирраларини ҳам йиллар оша сайқаллаштириб борди. Бир вақтлар Самарқанд театрида актёрлик билан бир қаторда рекламачи-рассом бўлиб ишлаган бўлса, эндиликда режиссёр Эргаш Масафаев томонидан саҳналаштирилган «Доктор Ҳакимнинг ихтироси» спектаклига рассомлик қилди.

Ўзи ҳам саҳнабоп асарлар ёза бошлади ва ана шу изланишларининг натижаси ўлароқ, бирин-кетин богча ёшидаги болакайлар учун «Зумраша», мактаб ўқувчилари учун «Болалар-Шоу», катта ёшдаги болалар учун «Бир ликопча кулгу», «Кулган етар муродга» (ёзувчи Фарҳод Мусаёнов билан ҳамкорликда), «Табассум гулдастаси», «Қувноқлар даврасида», «Ваққос ва Паққоснинг саргузаштлари» сингари пьессалари дунёга келди. Бундан ҳам қизиғи ўзи ана шу спектаклларнинг саҳналаштирилишида режиссёр сифатида иштирок этди, рассом сифатида саҳна безаклари чизди ва турган

«Телеминиатюралар театри» кўрсатувларида тез-тез кўриш, «Табассум» ҳажвий радио-журналининг ҳар бир эшиттиришида овозини тинглаш мумкин.

Ким билсин, балки шунинг учун ҳам уни ҳамкасблари «Катталарнинг дўсти, кичикларнинг қадрдони» дейишади.

Биз бугун Республика Ёш томошабинлар театрининг қутлуғ 70 йиллиги нишонланаётган кунларда катталар ва кичикларнинг севимли санъаткори Хайитали Низомиддиновни шу санъат байрами билан чин қалбдан муборакбод этамиз ва у кишига янгидан-янги ижодий парвозлар тилаймиз.

Хайитали ака билан учрашганимизда мен ундан

МИРАББОС АКАНИНГ МАКТАБИ

Биз оиламиз билан телевидениеда берилаётган «Оталар сўзи- ақлнинг кўзи» кўрсатувини мароқ билан кўрамиз. Яқинда шу кўрсатувни кўраётганимизда дадамлар «бу кўрсатувнинг режиссёри Мираббос Мирзааҳмедов» дедилар. «Барака топгур ишини жуда яхши биладида. У киши туманимиздаги 11-мактабда ўқиганлар», деб қолдилар.

Бу гапларни эшитгач менда шу мактабга қизиқиш уйғонди ва мактаб томон йўл олдим. Танаффуз вақти экан. Болалар гавжум. Ҳаммаёқ озода. Мактаб ичкарасига кирдим. Мени мактаб директори Матлуба опа Аупова кулиб қарши олдилар. Мен нима мақсадда келганимни айтиб савол бера бошладим:

- Мактаб қурилганига анча бўлган бўлса керак-а?
- Мактабимиз 1941 йил ташкил топган. Ҳозирда Юсуф Шомансуров номи билан аталади.

- Шу мактабда Мираббос Мирзааҳмедов ҳам ўқиган эканлар. Яна таниқли қандай инсонлар бор?

- Машҳур кимёгар Қахрамон ака, математик Мирфозил Мирзааҳмедов, шоир Юсуф Шомансур. Яна Ямин Курбон, Рауф Толиб...

- Опа, ўқувчилар бўш вақтларида нималар билан шуғулланишади?

- Мактабимизда она тили ва адабиёт, химия, физика фанлари ҳамда тикувчилик, гул ясаш тўгараклари ишлаб турибди. Фарзандларимиз уларда билимларини мустаҳкамлайдилар, хунар ўрганадилар.

Опа билан синфларни айландик. Дарс вақти. Ҳаммаёқ тинч. Ҳали бу мактабдан машҳур инсонлар кўплаб чиқишига ишондим. Уларга омад доимо ёр бўлишини тилаб, опа билан хайрлашдим.

Барно
АБДУРАҲМОНОВА,
ёш мухбир.

Узбекско-Английское СП «MAVJ»

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ
ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Хотам АБДУРАИМОВ,
Дадахон ЁҚУБОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Мирзапўлат
ТОШПЎЛАТОВ,
Музаффар ПИРМАТОВ,
Феруза ОДИЛОВА,
Эргашвой САРИҚОВ,
Баҳодир ҲАЙДАРОВ.

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 43.351
нусхада босилди. Ҳажми
2 босма табоқ,
Буюртма - К-7468
Газетани PENTIUM-II
mтх компютерида
А.АБДУҒАФФОРОВ
саҳифалади.

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилимиз
700129,
Тошкент шаҳар,
Навий кўчаси 30-уй.
Тел: 144-62-34